

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЁШ ОЛИМЛАР КЕНГАШИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
БИРЛАШГАН КАСАБА УЮШМАСИ ҚҮМИТАСИ



ЁШ ОЛИМЛАР
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ - 2015
Маъruzга тезислари тўплами
2015 йил 22 декабрь

Сборник тезисов докладов
РЕСПУБЛИКАНСКОЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЙ
КОНФЕРЕНЦИИ
МОЛОДЫХ УЧЁНЫХ – 2015
22 декабря 2015 год

Ташкент 2015

худудида содир бўлган ижтимоий ва сиёсий воқеалар ҳакида кенг маълумот берувчи муҳим манба бўлиб ҳисобланади.

ХОРИЖИЙ ТАДҚИҚОТЛАРДА ЎЗБЕК ХАЛҚ ТАБОБАТИНИИ ЁРИТИЛИШИ

Х.Жуманазаров,

ЎзР ФА Тарих институти катта илмий-ходим изланувчиси

Халқ табобати анъаналари инсониятнинг асрлар давомида тўпланган билим ва тажрибалари маҳсулидир. Шу сабаб унинг тарихи ҳам қадим ўтмишга бориб тақалади. Халқ табобати аждодлар тажрибасига асосланган ҳолда ташхис кўйиш, касалликларни олдини олиш, даволаш усуллари ва босқичлари каби анъаналарга асосланади⁶⁴. Бугунги кунда халқ табобатининг оммалашиб бориши натижасида, бу соҳани чуқурроқ ўрганиш ҳамда тадқиқ қилишга бўлган қизиқиши ҳам ортди.

Ўзбек халқининг ўз тарихий анъаналарини нисбатан яхши сақлагани бошқа юртларда йўқ бўлиб кетаётган халқ табобатининг ривожланиб, янги босқичга кўтарилишига олиб келди⁶⁵. Натижада халқимизнинг бой тиббий анъаналари нафақат маҳаллий изланувчилар, балки хорижий тадқиқотчилар томонидан ҳам ўрганилмоқда. Хорижий тадқиқотларга назар солсак, асосан табобатнинг мистик тури (шомонлик, дуохонлик, фолбинлик)га алоҳида ургу берилади⁶⁶. Лекин халқ табобатининг эмпирик тури борасида ҳам изланишлар талайгина. Бу борада Ғиясиддин Таҳомоҳаммади, О Сеунг Юн, Софии Ҳоҳман, Саҳин Аксай, Ирина Сироткиналарнинг тадқиқотларини мисол қилишимиз мумкин. Мавзу доирасида Россия Фанлар Академияси вакиллари томонидан амалга оширилган тадқиқотлар ҳам диққатга сазовордир. Жумладан, ўзбек халқ табобатининг доришунослик доирасида В. Огудин томонидан олиб борилган изланишларда доришунослик борасидаги амалий тажрибаларга эътибор қаратилган⁶⁷. Муаллиф атторларнинг шарқ халқлари орасида турли гиёҳ ва доривор ўсимликларни ташиш билан шугулланишини ҳамда айrim атторлар касаллик турига қараб дориларни тавсия қилиш даражасида билимга эга бўлганлигини таъкидлайди. Б. З. Нанзатов, М. М.

⁶⁴ Куковякина Н. История народной медицины северо-восточного региона европейской России. Автор. для дисс. мед. наук. М. 2008. С. 3.

⁶⁵ Кушкаров А. Сўфий табобати. Т. 2004. 33-бет.

⁶⁶ Jarrina G. A notion shamanism in Eastern Turkistan // Etnos. 1961. Vol 26. № 1-2. P. 101-144.; Басилов В. Исламированное шаманство народов Средней Азии и Казахстана (Историко-этнографическое исследование). Автореф дис. д.и.н. М. 1991.; Garrone P. 2000. Chamanisme et islam en Asie Centrale. La baksylyk hier et aujourd' hui [Shamanism and Islam in Central Asia: Baksylyk Yesterday and Today]. Paris: Librairie d'Amérique et d'Orient, Jean Maisonneuve Successeur.; Огудин В. Магия в бытвом исламе // ЭО. 2002. № 4. С. 65-82.; Йохансен У. Экстаз и одержимость: различия впереживаниях шаманов Сибири и Центральной Азии // ЭО. 2007. № 1. С. 19-31.

⁶⁷ Огудин В. Атторы – аптекары народной медицины мусулманского востока // ЭО. 2001. № 2. С.112-130.

Содномпиловалар⁶⁸ XVII асрда Россия ва Европа бозорларига доривор гиёхларни олиб борган бухоро савдогарлари ҳақида маълумот беради. Бу даврда Шарийи Европа ва Россиянинг бир қатор шахарларида Марказий Осиёлик доривор гиёхлар билан савдо қилувчи мусулмонларга нисбатан “бухоролик” номи қўлланилган. С. Эисенман, Д. Зауров, Л. Струве⁶⁹. ҳам ўлкамизда доривор ўсимликлар ва уларни етиштирилиши, бугунги кунда етиштирилаётган гиёхлар ва уларни табобатда фойдаланиши масаларига эътибор қаратган. Н. Мамедов, З. Гарднер ва Л. Э. Гракерлар⁷⁰ эса Марказий Осиёда ўсувчи 2500дан ортиқ ўсимлик анъанавий тиббиётда дори ва бошқа малҳамлар тайёрлаш учун ишлатилшини келтиради. Бу гиёхлардан тайёрланган воситалар замонавий тиббиётда кенг қўлланилади.

С. Хоҳман ўз изланишларида ўзбек халқ табобатининг ўзига хос анъаналари, ривожланиш жараёни ва Собиқ Иттифоқ давридаги аҳволи борасида бир қанча фикрларни илгари суради. Жумладан, «табиб» атамасига тўхталиб, бу сўзниг ўзаги арабча «тибб»дан келиб чиқсан ва барча мусулмон халқларда бу атама «даволовчи», «шифокор» маъноларида қўлланилади дейди⁷¹. Муаллиф ўзбек халқ табобати Ибн Синонинг қарашларига асосланган ва бу билим авлоддан- авлодга мерос сифатида ўтиб яшаб келаётганига тўхталади⁷². Собиқ Иттифоқ даврида мафкуравий ўзгаришлар диний вакиллар қаторида табобат ходимларига ҳам талай қийинчиликларни юзага келтирганини мисоллар билан асослаб берган. Бу ўзгаришларнинг сабаби эса марказнинг Туркистонга ўз гоя ва қарашларини олиб кириш билан бөглиқ эканлиги, масалан ўлкада замонавий медицинани жорий қилиш режаси асосида бу тадбир қўлланган деган фикрни илгари суради⁷³. Табобатимиз анъаналарига багишланган хорижий адабиётларни ўрганар эканмиз, унда юртимизда яшаб ўтган табобат илми вакиллари фаолияти ҳамда уларнинг илмий меросини жаҳон табобат фанида тутган ўрнига багишланган тадқиқотлар ҳам мавжуд. Абу Бакр ар-Розий, Ибн Сино, Мавлоно Нидоий, Юсуф Ҳаравий⁷⁴ ва бошқа

⁶⁸ Нанзатов Б. З, Содномпилова М. М. Лекарственные средства в торгово-обменных операциях между Россией, Монголией и Китаем в XVII–XIX вв. // Вестник Бурятского научного центра Сибирского отделения Российской академии наук. 2014. № 4. С. 93.

⁶⁹ Sasha W. Eisenman, David E. Zaurov, Lena Struwe. Medicinal Plants of Central Asia: Uzbekistan and Kyrgyzstan. USA. 2013.

⁷⁰ Nazim Mamedov, Zoë Gardner, Lyle E. Craker. Medicinal Plants Used in Russia and Central Asia for the Treatment of Selected Skin Conditions for the Treatment of Selected Skin Conditions // Journal of Herbs, Spices & Medicinal Plants. 2005. Vol. 11, Issue 1-2.

⁷¹ Sophie Hohmann. Les «medecins-tabib», une nouvelle categorie d'acteurs therapeutiques en Ouzbekistan post-sovietique? // Autrepart. 2007/2 (n° 42). p. 73-74.

⁷² Sophie Hohmann. Instrumentalisation politique de la medecine traditionnelle // Le Courrier des pays de l'Est. 2008/3 (n° 1067). p. 24-27.

⁷³ Sophie Hohmann. La medecine moderne au Turkestan russe: un outil au service de la politique coloniale // Cahiers d'Asie centrale, 17/18 . 2009. pg. 319-351.

⁷⁴ Мунтахаб аз рисола ва лугатҳои тибби қадим // Тартиб диҳандегон В. Капранов, Р.Хошим. Душанбе. 1971. 120-6.; Emiliazy M., Choopani R. Avicenna's doctrine about arterial hypertension // Acta med-hist Adriat. 2014. № 12(1). pg. 157-162.; Вильгельм Партиш. Восточные рукописи. Часть 1. Вена.

табобатмиз вакиллари меросига багишлиланган тадқиқотларда, уларнинг бу борада қўлга киритган ютуқлари натижасида табобат анъаналари илмий исботини топганлиги айтилади. Ўзбек халқ табобати анъаналарига доир хорижий манбаларни тадқиқи шуни кўрсатадики, халқ табобати анъаналари тадқиқотчиларни ўзга жалб қила оладиган қизиқарли ва мураккаб масала ва бу мавзууни этнологик аспектда ўрганиш бугунги куннинг долзарб масаласидир. Бу борада жаҳоннинг бошқа халқлари мисолида илмий изланишлар олиб борилган бўлсада, айнан ўзбек халқ табобати анъаналарига багишлиланган комплекс тадқиқот мавжуд эмас. Халқ табобати анъаналарига доир қимматли этнографик маълумотларни илмий муомалага киритиш бугнги ўзбек этнология фанинг устувор вазифаси ҳисобланади.

АЛИ ЯЗДИЙНИНГ “ХУЛАЛИ МУТАРРАЗ ДАР ФАНИ МУАММО ВА ЛУГАЗ” АСАРИНИНГ ЯРАТИЛИШИГА ДОИР

Ж. Жўраев

ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги

Давлат адабиёт музейи катта илмий ходими,
филология фанлари номзоди.

Амир Темур авлодлари орасида Иброҳим Султон ибн Шоҳруҳ ибн Темур Кўрагоний (1394-1435) ўзига хос мавқега эга. Темурийзода салтанатининг Форс вилоятида йигирма йилдан ортиқ ҳукмдорлик қилган. Шерозда унинг ҳомийлигида Ҳофиз Хоразмий ва Шарафиддин Али Яздий сингари туркий ва форсий адабиётнинг йирик вакиллари қаторида кўплаб қалам ахли ҳам ижод қилганлар.

Иброҳим Султон бобоси ва отаси тарбиясида юксак билимга эга бўлган. Давлат ишлари билан бирга адабиёт ва санъатга қизиқкан. Бу соҳа вакиллари тарбиясига алоҳи эътибор билан қараган. Унинг шеър ҳам ёзгани ва шеърлари тўплами бизга қадар етиб келганлиги маълум. Мазкур шеърлар тўпламига Шарафиддин Али Яздий томонидан муқаддима битган [8]. Иброҳим Султон ҳукмдор ва ижодкор сифатида мунтазам тарзда адабий анжуманлар ўтказиб турган [1; 2: 2a-8a; 3: 5a-6b; 4: 63a-115b; 5: 121-129].

Шарафиддин Али Яздий Иброҳим Султоннинг Форс вилоятидаги ҳукмронлигининг бошидан то умрининг охиригача бирга бўлган (1415-1435 йиллар [1:IX бет]). Бу даврда яратилган унинг “Зафарнома” асари бевосита ҳукмдорнинг ҳоҳишистаклари, назорати ва таҳхирлари асосида бунёдга келган. Али Яздий мазкур даврда шунингдек, вазир мақомида турган [6] ва темурийзода ташкил қилинган адабий кечалар ҳамда ҳарбий ҳаракатланинг барчасида ёнма-ён бўлган. Шунга кўра, у Иброҳим

1859, С. 93—94.; Aydin Usta. Avicenna and Samanids // VIII-международные авиаценновские чтения научное наследие Ибн Сины и актуальные проблемы современной медицины». Б. 2015. С. 11.

Ganiev S. YOUTH OF MODERN UZBEKISTAN: QUESTIONS OF POLITICAL CULTURE AND IDEOLOGY	497
Гулбоев Н. АМИР ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА МОВАРАУННАХРДА БУНЁД ЭТИЛГАН МАДРАСАЛАР ВА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИ.....	500
Жамолова Д. МИРЗО САЛИМБЕК ВА УНИНГ “ТАРИХИ САЛИМИЙ” АСАРИ	504
Жуманазаров Х. ХОРИЖИЙ ТАДҚИҚОТЛАРДА ЎЗБЕК ХАЛҚ ТАБОБАТИНИ ЁРИТИЛИШИ.....	506
Жўраев Ж. АЛИ ЯЗДИЙНИНГ “ҲУЛАЛИ МУТАРРАЗ ДАР ФАНИ МУАММО ВА ЛУҒАЗ” АСАРИНИНГ ЯРАТИЛИШИГА ДОИР.....	508
Жўраев Ж. КОМЁБНИНГ ТАРИХИЙ АСАРЛАРИДА ДАВЛАТЧИЛИККА ОИД ҚАРАШЛАР	511
Жўраева М. ЎЗБЕК ХАЛҚ АФСОНАЛАРИДА ЭВРИЛИШ МОТИВИ.....	513
Исмоилов Ш. МУСО АЛ-ХОРАЗМИЙНИНГ “КИТОБ СУРАТ АЛ-АРЗ” АСАРИНИНГ ҲОЗИРГИ КУНДА ЎРГАНИЛИШИ ВА УНИНГ ФАН ТАРИХИДАГИ АҲАМИЯТИ.....	516
Каримов Ў. ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИ	518
Г.Кочкорова Х.Жабборов. ННО КАК СОЦИАЛЬНЫЙ ИНСТИТУТ, СПОСОБСТВУЮЩИЙ ФОРМИРОВАНИЮ ПРАВОВОГО СОЗНАНИЯ ГРАЖДАН.....	519
Кусекеев Б. МЕҲМОНХОНА БИЗНЕСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.....	522
Кушанова Д. XX АСР БОШЛАРИДА “ЖАДИД” МАКТАБЛАРИДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИ	525
Мамаджанов А. ЭНЕРГЕТИК АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИ- ЭНЕРГИЯ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ МАВЖУД ИМКОНИЯТИ ...	528